

1126

МАРДЛАР ҚҰРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Аскар қўшиқлари



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи
Тошкент 2006

85.314

M26

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган журналист,
Абдураззоқ Обрўй

*Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг
Ватанпарварлик кенгаши томонидан нашрга
тавсия этилган.*

M26 Мардлар кўриқлайди Ватанни: Аскар
кўшиқлари/Тўплаб нашрга тайёрловчи
Абдураззоқ Обрўй. — Т., Фафур Фулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2005. 40 б.

Ватанпарварлик энг олий туйғу. Ватанга садоқат,
унинг ҳар зарра тупроғини кўз қорачиғидек асраш ҳар
бир ватанпарвар инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги
шубҳасиз. Бу бурчни сидқидилдан бажариш олий фазилат.
Ана шу фазилатни аскарларимиз қалбида шакллантиришда
кўшиқларнинг ўрни беқиёсдир. Қўлингиздаги тўпламдан
шонли Армиямизнинг, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг
шон-шавкати, унинг мард ва ботир ўғлонларининг
Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини мадҳ этувчи сара кўшиқ
ва маршлар ўрин олган. Кўшиқлар Сиз азиз ўқувчилар
қалбида мардлик, садоқат, Ватанга муҳаббат каби юксак
туйғуларни жўш урдиради, деган умиддамиз.

ББК 85.314

Т 4702620202—103
M352(04)2006 2006

ISBN 5-632-02422-х

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2006 й.



Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан...»
Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлайди Фурқат,
О, Қашғар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!
Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин, десалар менга.
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга:
Халқим, тарих ҳукми сени агарда



Мангу музликларга элтган бўлсайди.
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар,
Ватанлар,
Майли, гулласин.
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!





Муҳаммад Юсуф,
Ўзбекистон халқ шоири

ЁШЛАР МАДҲИЯСИ

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай кўрғонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон даминг кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ — хасдир,
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..



Анвар Обиджон,
Ўзбекистон халқ шоири

АСКАРЛАР ҚЎШИҒИ

Ж ў р л и к д а:

Хур Ватанга ўғлонмиз,
Ҳеч бузилмас кўрғонмиз.
Юртни асраймиз хавфдан,
Сен сафдаю мен сафда.

Н а қ а р о т:

Я к к а х о н:

Бир! Икка! Илдам бўл,
Темурийсан, бардам бўл.

Ж ў р л и к д а:

Бизлар доим илдаммиз,
Довюракмиз, бардаммиз.

Я к к а х о н:

Дўстларингга қалқон бўл,
Душманларга бўрон бўл.



Ж ў р л и к д а:

Дўстимизга қалқонмиз,
Душманларга бўронмиз.

Ж ў р л и к д а:

Дарё, тоғлар бизники,
Сахро, боғлар бизники.
Шу гулистон бизники,
Ўзбекистон бизники.





Хуршид Даврон,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Хур Ўзбекистон — тарихнинг шони,
Балқди унинг янги жаҳони.
Порлайди кўкда эркнинг қуёши,
Ярақлаб турар тиниқ осмони.

Н а қ а р о т:

Сафимиз метин,
Бир тану жонмиз.
Хатар йўлида
Бизлар қўрғонмиз.
Юртга муносиб.
Ботир ўғлонмиз.
Турон, Туркистон,
Ўзбекистонмиз!

Сендан куч олар юракларимиз,
Қуш бўлиб учар тилакларимиз.
Сен бизнинг баҳор, сен бизнинг қуёш,
Куч олар сендан билакларимиз.



Н а қ а р о т:

Сафимиз метин,
Бир тану жонмиз.
Хатар йўлида
Бизлар қўргонмиз.
Юртга муносиб
Ботир ўғлонмиз.
Турон, Туркистон,
Ўзбекистонмиз!





АВЛОДЛАР СУРУРИ

Ўғузхону Амир Темур
Авлодимиз, зурёдимиз.
Сарбадорлар саботидек
Енгилмасдир саботимиз.

Н а қ а р о т:

Ватан, Ватан, жон Ватан,
Сенга фидо жон ва тан!
Ҳар биттамыз Широқмиз,
Ватан учун яроқмиз!

Жалолиддин, Торобийдек
Душманни даф этамиз.
Ўтрор, Гурганж деворидек
Метин эрур сафимиз.

Н а қ а р о т:

Юракларда Тўмариснинг
Эътиқоди, иймони ёр.
Билакларда Алпомишнинг,
Кунтуғмишнинг қудрати бор.





Нормурод Нарзуллаев,
Ўзбекистон халқ шоири

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Жон Ватаним, жону таним, ифтихоримсан,
Жон жаҳоним, пок виждоним, ҳур диёримсан,
Сенга бўлсин, онажоним, бу жонлар фидо,
Кўз қароғим, қалб чароғим, номус-оримсан!

Н а қ а р о т:

Она юртнинг фарзандлари, посбонларимиз,
Мард, довюрак, алп баҳодир ўғлонларимиз.

Шу юрт учун, шу халқ учун баркамол авлод,
Сафлар аро ташлар қадам дадил, мардона.
Ватан меҳри сўнмас қалбда мангу, умрбод,
Ўзбекистон — чаман бўстон, азиз остона!

Н а қ а р о т:

Она юртнинг фарзандлари, посбонларимиз,
Мард, довюрак, алп баҳодир ўғлонларимиз.

Озод, обод эл бағрида гул-гул яйраймиз,
Огоҳ бўлиб, юрт ишончин дилдан оқлаймиз.
Эл тинчини, юрт бахтини севиб юракдан,
Ўлкамизни балолардан омон сақлаймиз.

Н а қ а р о т:

Она юртнинг фарзандлари, посбонларимиз,
Мард, довюрак, алп баҳодир ўғлонларимиз!



ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Биз — Ватан посбонлари,
Жон фидо эл-юрт учун.
Мард, жасур ўғлонлари,
Кўрсатар қудрат кучин.

Биз — Темур зуриёдимиз,
Меҳримиз қалбада яшар.
Мангуберди авлодимиз,
Қаҳримиз билгай башар.

Бахт учун, тинчлик учун
Кўксимиз қалқон эрур.
Кўк аро учсин лочин,
Хур озод ўтсин умр.

Оламиз бизлар қасос,
Бузса ёв эл тинчини.
Оқлагил қалбинг билан
Халқимиз ишончини.

Биз — содиқ фарзандлари,
Пок имон — йўлдошимиз.
Гул диёр дилбандлари,
Йўлбошчидир Юртбошимиз!

Н а қ а р о т:

Биз Ватан посбонлари,
Жон фидо эл-юрт учун!
Мард, жасур ўғлонлари,
Кўрсатар қудрат кучин!



ШЕРЮРАК ФАРЗАНДЛАР

Тинчлик, дўстлик юрти — ҳур Ўзбекистон,
Душмандан ўз элин асрагай омон.
Ватан деб жонини айлагай қурбон,
Мудофаа кучларинг шайдир ҳар қачон.

Шерюрак фарзандлар ҳамиша ҳушёр,
Ёв пайҳон қилолмас манзил-маконинг.
Сарҳадинг дахлсиз, эй она Диёр,
Чегаранг қўриқлар асл ўғлонинг.

Маккора ёвузлик — аср балоси,
Пинҳона ҳийладан безовта дунё.
Қалбларда сўнмагай Ватан севгиси,
Хавфсизлик хизмати сергак доимо.

Касбимиз улуғлаб, айлаб ифтихор,
Масъулмиз сақлашга эл-юрт тинчини.
Халқ меҳри бир умр бизга маладкор,
Ички ишлар аъло ўтар бурчини.

Н а қ а р о т:

Бир ота-бир она фарзанди бизлар,
Сафлари бузилмас дилбанди бизлар.
Мустақил юртига бахт-омад тилар,
Қасамёдга содиқ Қуролли кучлар!



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҚЎШИҒИ

Эшит, она-Ватан, тингла, қалб сўзим,
Содик фарзандингман сенга ҳамиша!
Ёвларинг йўлига қалқондир кўксим,
Бахтимга, жон юртим, омон бўл, яша!

Юрт тинчин, халқ бахтин посбонимиз,
Меҳри кўнгилларда жо Ватан!
Бўлсин тинч, мусаффо осмонимиз,
Курашларда раҳнамо Ватан!

Н а қ а р о т:

Бағри кенг, чаманзор,
Ўзбекистон — азиз хонадон!
Тинчлик, дўстлик топсин барқарор,
Муқаддас эл, жонажон, ҳур макон!

Байраминг муборак, жасур аскарим,
Зафарлар ёр бўлсин, мағрур аскарим.
Қуролли кучларнинг байрами бугун.
Озод юрт нишонлар айёминг мамнун.

Н а қ а р о т:

Яшна, гул диёрим, элим сен билан!
Сўнмагай баҳорим, дилим сен билан.
Бос дадил қадамлар, сафда мардона,
Сен билан фахр айлар Ватан, замона!



Иқбол Мирзо
Ўзбекистон халқ шоири

АЙТИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонлда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?



Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?





Назармат

ВАТАН МАДҲИ

Посбонимиз, фарзандимиз,
Она диёрнинг,
Мардларимиз, пайвандимиз
Эл аҳди борнинг.

Тинчлик мадҳи юракларда,
Янграйди дўстлар,
Қуёш бўлиб қитъаларни
Қамрайди дўстлар.

Унутилмас жанг йиллари
Мардлар тўккан қон,
Унутмасин ғанимлар ҳам
Уни ҳеч қачон.

Сергак, огоҳ, фидоиймиз,
Ватан жонажон,
Посбонимиз, мардларимиз
Тинч бўлсин жаҳон.





ИФТИХОРИМИЗ

Бизлар жонажон Ватан посбони,
Элнинг фидойи, метин қалқони,
Юрсак диёрда гуллар очилар,
Элларга нурли йўллар очилар.

Тарихимиз бор қадим-қадимдан,
Қудрат оламиз она заминдан,
Йўлимиз ёрқин тинчлик измила,
Мустақилликнинг шонли азмила.

Дилда она эл меҳри улуғвор,
Мангу ҳамнафас, қудрат азми бор,
Дўстлик, ҳамкорлик хизматкоримиз,
Жонажон Ватаннинг ифтихоримиз.

Ўзлик танлаган нур йўлимиз бор,
Обод, бағри кенг ўз элимиз бор,
Сокин сарҳадлар нигоҳимиз у,
Тинчлик гарови огоҳимиз у.

Бизлар жонажон Ватан посбони,
Элнинг фидойи метин қалқони.





ОНА ЭЛ МАДҲИ

Ой порлар юлдузли байроғингда эл,
Темурнинг руҳи бор тупроғингда эл,
Сени ўзгаларга ишонмаймиз ҳеч,
Эркин деб тепади қалблар эрта-кеч.

Н а қ а р о т:

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркиннга фидойи посбонларингмиз,
Биз Турон элининг азму мадори,
Асли бир қон-қардош пайванди бари.
Садоқат меҳридан одимлар шаҳдам,
Она эл, сен учун жон фидо ҳар дам.

Н а қ а р о т:

Оламга туташдир мустақил йўлинг,
Ҳамкорлик қадрини улуғлар элинг,
Баҳоринг эркимиз, тақдиримиз у,
Биз уни қўриқлаб яшаймиз мангу.





Ямин Курбон

ОЛҒА БОС, ОЛҒА!

(Хор)

Дарё йўлларидек йўлимиз олис,
Ёйил, эй, жўражон, турнадек қулоч!
Бу йўлда сену мен эмасмиз ёлғиз,
Айрилмас йўлдошдир машаққат, қувонч.
Олға бос, олға!

Бу йўллар иймони беғуборларга,
Бўрону довуллар ташлолмагай банд.
Бу йўлдир мардликка чин хуморларга,
Тутгил, эй, жўражон, кўкракни баланд!
Олға бос, олға!

Элу юрт ишқидир дилларда уммон,
Элу юрт меҳрига чанқоқмиз, чанқоқ!
Олға, эй, жўражон, довюрак ўғлон,
Бу йўлда чақнайлик мисоли чақмоқ!
Олға бос, олға!





Сирожиддин Саййид

ЭГАСИ БОР ЮРТ

Очсанг давронларнинг китобларини
Қанча карвонларнинг эртаги бордир.
Тингла доноларнинг хитобларини:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Дунёнинг манзили маконларида
Бир рўзғор бут бўлса, тўрттаси хордир.
Боққил бул диёрнинг қўрғонларига
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Бунда ой, қуёшдан чехралар олган
Ўғил ҳам қизларнинг эркаси бордир.
Ҳар айтган сўзидан Ватан туғилган
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Милён ўзбекларнинг умидлари жам
Милён бу овозлар — номус ҳам ордир.
Чопдим шеърларимни қўлтиқлаб мен ҳам:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Қушнинг ҳам бек билан бекаси бордир.
Сингилжон, экавер райҳонларингни:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Умр гоҳи ширин, гоҳи талх бўлгай,
Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрди:
Эгаси бор юртнинг эли халқ бўлгай,
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.



Азим Суюн

ЎЗБЕК ДАВЛАТИ

Бир кам дунё бутундир, бутун,
Юраклардан ечилди тугун,
Кўнгиллар шод, чеҳралар гулгун,
Мустақиллик — Оллоҳ неъматини, —
Яшна, юксал, Ўзбек Давлати!

Қарға, зоғлар солмагай соя,
Орзуларга йўқдир ниҳоя,
Авлодларга боқий ҳикоя,
Шарафлидир инсон меҳнати, —
Яшна, юксал, Ўзбек Давлати!

Жаҳон бўйлаб кўчмоқда шонинг,
Муқаддасан — ҳалолдир нонинг,
Фарзандларинг — қилич, қалқонинг.
Ўзбекистон — олам жаннатини, —
Яша, юксал, Ўзбек Давлати!





Азиз Саид

ЧЕГАРАЧИ АСКАР ҚЎШИҒИ

Кун ботар,
Тун чўкар,
Тонг отар.
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!

Ўзбекистон сарҳади
Бизнинг қорачиғимиз.
Асраймиз ҳар офатдан,
Қўлда олмос тигимиз.

Н а қ а р о т:

Кун ботар,
Тун чўкар,
Тонг отар.
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!

Йўл берамиз, садоқатли
Келсин дўст ҳам, қўшни ҳам.
Ўтказмаймиз шум ният
Бирла келган қўшни ҳам.

Н а қ а р о т:

Кун ботар,
Тун чўкар,
Тонг отар.
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!



Иброҳим Жиянов

ЖОН БАТАН

Мард ўғлонларинг бор, Ватан,
Ҳар қарич еринг асраган.
Ҳаттоки кенг осмонингни,
Гард юқтирмасдан сақлаган.

Эй Ватан, жон Ватан,
Сенга содиқ ҳарбийлар.
Ҳар қачон жону тан,
Сенингдирмиз ҳарбийлар.

Ёш сержантлар сафда бугун,
Ҳар қадамида бор учқун.
Бағишлаб ўз ҳаётини,
Юртнинг бахти, тинчлиги учун.

Эй Ватан, жон Ватан,
Сенга содиқ ҳарбийлар.
Ҳар қачон жону тан.
Сенингдирмиз ҳарбийлар.



Умида Абдуазимова

УЛУҒ ВАТАН

Бахтимиз ёр, не десак бор ҳур ҳаётимиз,
Ўзин топган ўзига бек, ўзбек отимиз.
Истиқлолнинг иқболидан куй — баётимиз,
Гулла, яшна, камолга ет, эй улуғ Ватан,
Қучоғида меҳр-шафқат, ишқ тўлиқ Ватан.

Қўнғлимизда яшар доим ажлодлар ёди,
Хурриятни олқаб ўтган Чўлпонлар доди,
Яшармиз эрк, озодликнинг нашъасин тотиб,
Яша ҳар он, эй гулистон, ҳур диёримиз,
Сенда султон бўлиб яшаш шиор, оримиз.

Гулга буркаб қучоғингни, гулдек тўлармиз,
Фахрлансанг арзийдиган фарзанд бўлармиз.
Шанингда — шон, жонингда — жон, пайванд бўлармиз.
Ҳаётимиз мазмунисан, эй улуғ Ватан,
Фаровонлик мавзуисан, эй улуғ Ватан!

Асл ўғлонларин ардоқлаган Ватан бу,
Эзгулик шуъласидан ярақлаган Ватан бу,
Муқаддасдир тупроғи кўзга қилсак тўтиё,
Ажлодлар руҳи тарар авлодларга нур-зиё.



Саждагоҳим шу Ватан,
Гул паноҳим шу Ватан!
Ватан, сенинг шаънингга,
Жонни нисор этаман!

Қаддимни тик тутиб шу она тупроқ ўғлиман,
Яшарман ишқи билан, дили оташ-чўғлиман,
Вужудимда олов бор, хоинларни ёққани,
Илон бўлиб чирмашиб ғанимларни чаққани.

Саждагоҳим шу Ватан,
Гул паноҳим шу Ватан!



АРМИЯДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТ

Темир дейсиз билаклари,
Юзидан ёғ томиб турар.
Қаранг, қандай ҳаракати,
Шахдам қадам ташлаб юрар.
Уйга ўт, деб айтган йигит,
Армиядан қайтган йигит.

Тез қилади ишни жуда,
Гапиради дадил-дадил.
Муаммога дуч келса ҳам,
Хулосаси тўғри, одил.
Фикрин аниқ айтган йигит,
Армиядан қайтган йигит.

Чиниқди хўп аскарликда,
Дангасалик ундан қочган.
Ишлай деса соҳа талай,
Бари унга қучоқ очган.
Ўқийман деб айтган йигит,
Армиядан қайтган йигит.

Жондек кўшнин шадлод қизин,
Қўлин маҳкам ушлайин дер.
Келин шу деб, ота-онам,
Кўнгилларин хушлайин дер.
Бизни тўйга айтган йигит,
Армиядан қайтган йигит.



✓ ҚАСАМЁД

Шохи синса хўкизнинг, майли,
Сўзидан ҳеч қайтмайди, йигит.
Турар доим жон қулоғида,
Боболари айтган ҳар ўгит.
Йигит учун баёт, Қасамёд,
Йигит учун ҳаёт, Қасамёд!

Яшаш оғир, яшаш қийиндир,
Ёлғонларга ўч бу дунёда.
Билимнинг ҳеч чегараси йўқ,
Маънавият куч бу дунёда.
Йигит учун маёқ, Қасамёд,
Йигит учун байроқ, Қасамёд!

Постда доим хушёр бўлиб тур,
Ҳар бир ўқинг тегсин нишонга.
Бошингга не кулфат тушмасин,
Суян фақат Ҳаққа, виждонга.
Йигит учун шаъндир, Қасамёд,
Йигит учун қондир, Қасамёд!

Юрт корига ярасин дея,
Отанг, онанг қилар илтижо.
Маҳкам боғла белда камарни,
Ватанни сен дилга қилгин жо.
Йигит учун жон, тан, Қасамёд,
Йигит учун Ватан, Қасамёд!



Асрор Мўмин

БУЮК ЎЗБЕКИСТОН

Ер юзида миллат кўп,
Зўрмиз деган давлат кўп,
Бир ўлка бор гўзал хўб,
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Мирза эрур чўллари,
Орол эрур кўллари,
Ипак эрур йўллари,
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Дарёлари Зарафшон,
Тоғларида олтин кон,
Кўкатлари тутар дон,
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Тошкент тенгсиз, ягона,
Хатто кенти Афсона,
Самарқанддай афсона.



Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Кулди толе қуёши,
Бўлди оқил Юртбоши,
Розидир кекса-ёши
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Эзгудир ўй, сўз, иши,
Осойишта турмуши,
Хумодир иқбол қуши,
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!

Олдда ойдин манзиллар,
Пойида унар гуллар,
Васфин қуйлар булбуллар,
Дунёга донғи дoston,
Бу — Буюк Ўзбекистон!





Искандар Раҳмон

БАЙРАМИНГИЗ БЎЛСИН МУБОРАК!

Ўзбекистон мард ўғлонлари,
Баҳодирлар, паҳлавонлари,
Тинчлигимиз чин посбонлари,
Байрамингиз бўлсин муборак!

Қайда бўлманг, ерми, осмонда,
Тоғми, дала, чўл, биёбонда,
Бу муқаддас она маконда,
Байрамингиз бўлсин муборак!

Ватан ишқи кўнглингиздадир,
Юрт тақдири кўлингиздадир,
Нигоҳимиз йўлингиздадир,
Байрамингиз бўлсин муборак!

Боболарнинг руҳи маладкор,
Ҳар қадамда омад сизга ёр,
Ёвлар ўйин қилиб тору мор,
Байрамингиз бўлсин муборак!

Сизга таҳсин, ботир йигитлар!
Оловюрак, нодир йигитлар!
Кўкси қалқон, чайир йигитлар,
Байрамингиз бўлсин муборак.



ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИМИЗ

Ташлаб дадил, мардона қадам,
Биз майдондан ўтамиз шаҳдам.
Еру само келар ларзага,
Қўшиқ бизга жўровоз, ҳамдам.

Н а қ а р о т:

Амир Темур авлодларимиз,
Озод юртнинг Фарҳодларимиз!
Ўзбекистон аскарларимиз,
Ёш, навқирон лашкарларимиз!

Қўлимизга тутганмиз қурол,
Бурчимизни ўтаймиз ҳалол!
Кўкрагимиз қалқон ҳамиша,
Диёримиз кўрмагай завол!

Н а қ а р о т:

Ватан — иймон, Ватан — жонимиз,
Сарҳадлари мард посбонимиз!
Эл яшасин тинч ва осуда,
Мусаффодир юрт, осмонимиз!



ЎЗБЕКИСТОН ОФИЦЕРЛАРИ

Буюк зотлар элдошларисиз,
Собир Раҳим издошларисиз,
Мард йигитлар сафдошларисиз,
Ўзбекистон офицерлари!

Ватанимиз умид кўзисиз,
Кўкидаги чўнг юлдузисиз,
Соф виждони, ёруғ юзисиз,
Ўзбекистон офицерлари!

Н а қ а р о т:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўкси тўла жанговар нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон офицерлари!
Озод бўстон офицерлари!

Улуғ мактаб жасоратингиз,
Ҳарбий санъат, маҳоратингиз,
Ҳарбиёна салобатингиз,
Ўзбекистон офицерлари!

Аскар борки, дилида ғулу,
Ором бермас ажиб ҳис-туйғу,
Сиздек бўлсам деб қилар орзу,
Ўзбекистон офицерлари!



Н а қ а р о т:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўксч тўла жанговар нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон офицерлари!
Озод бўстон офицерлари!





ҲАРБИЙЛАР ҚЎШИҒИ

(Марш)

Элим деб, юртим деб, яшар ҳарбийлар,
Ғайрати Амудай жўшар ҳарбийлар!
Она юрт Туронда тинчлик йўлида,
Инсоний бурчини ўтар ҳарбийлар!

Н а қ а р о т:

Йўлбошчи ёнида камарбастамиз,
Метиндай мустаҳкам пўлат сафдамиз!
Аҳдимиз оқлашга бурчли, ҳақлимиз,
Осуда, тинч яша, эй, юрт, халқимиз!

Осмону фалакда, ерда ва сувда,
Сарҳадда, измида ҳушёр ҳарбийлар!
Ёмон кўз, ёвлардан элни асрашга,
Кечаю кундузи тайёр ҳарбийлар!

Н а қ а р о т:

Элим деб, юртим деб, яшар ҳарбийлар,
Қудрати кундан-кун ошар ҳарбийлар!
Адолат, Ҳалоллик, Тинчлик шиори,
Инсоний бурчини ўтар ҳарбийлар!





СЕРЖАНТЛАР МАРШИ

Биз қалбимиз амри-ла,
Марди-майдон эркакмиз!
Эл тинчлиги йўлида
Кун-тун ҳушёр, сергакмиз!

Н а қ а р о т:

Жанговарлик касбимиз,
Унвонимиз — сержантдир!
Дилимиз эл дардига,
Ҳамоҳангдир, пайванддир!

Тоғу тошда, сарҳадда,
Эл оромин сақлаймиз!
Ёвуз, маккор ёвларни,
Янчамиз, мажақлаймиз!

Ўзбекистон посбони,
Элбошига тиргакмиз!
Ваъдасига вафоли,
Бир сўзли, шер юракмиз!

Н а қ а р о т:

Жанговарлик касбимиз,
Унвонимиз — сержантдир!
Дилимиз эл дардига,
Ҳамоҳангдир, пайванддир!



Тоғу тошда, сарҳадда,
Эл оромин сақлаймиз!
Ёвуз, маккор ёвларни,
Янчамиз, мажақлаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН ПОСБОНЛАРИ

(Марш)

Сизга салом, энг олий калом,
Ўзбекистон мард посбонлари!
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй баҳодир, паҳлавонлари!

Орзуингиз — Ватан тинчлиги,
Шарафлидир касбу корингиз.
Сафларингиз ихчам, зичлиги,
Қудратингиз, куч-мадорингиз.

Н а қ а р о т:

Ўз измида ҳушёр ҳамиша,
Эзгу ишга сафарбар шерлар!
Еру осмон, тоғ-довон оша
Марду майдон, музаффар эрлар!

Боболарнинг руҳи мададкор,
Машъал бўлсин йўлларингизда!
Эл байроғи голиб, сервиқор
Ҳилпирасин қўлларингизда!

Ўзбекистон, гуллаган диёр
Осмони ой, беғубор бўлсин!
Жарангласин тарона, алёр,
Посбонлари доим бор бўлсин!

МУНДАРИЖА

<i>Абдулла Орипов. Мен нечун севаман</i>	
Ўзбекистонни	3
<i>Муҳаммад Юсуф. Ёшлар мадҳияси</i>	5
<i>Анвар Обиджон. Аскарлар қўшиғи</i>	6
<i>Хуршид Даврон. Ўзбекистоним</i>	8
Авлодлар сурури	10
<i>Нормурод Нарзуллаев. Юрт ўғлонлари</i>	11
Ватан посбонлари	12
Шерюрак фарзандлар	13
Ватан ҳимоячилари қўшиғи	14
<i>Иқбол Мирзо. Айтгил, дўстим</i>	15
<i>Назармат. Ватан мадҳи.</i>	17
Ифтихоримиз	18
Она эл мадҳи	19
<i>Ямин Қурбон. Олға бос, олға!</i>	20
<i>Сироҷиддин Саййид. Эгаси бор юрт</i>	21
<i>Азим Суюн. Ўзбек давлати</i>	22
<i>Азиз Саид. Чегарачи аскар қўшиғи</i>	23
<i>Иброҳим Жиянов. Жон Ватан</i>	24
<i>Умида Абдуазимова. Улуғ Ватан</i>	25
<i>Абдураззоқ Обрўй. Армиядан қайтган йигит</i>	27
Қасамёд	28
<i>Асрол Мўмин. Буюк Ўзбекистон</i>	29
<i>Искандар Раҳмон. Байрамингиз бўлсин муборак</i> .	31
Ўзбекистон аскарларимиз	32
Ўзбекистон офицерлари	33
Ҳарбийлар қўшиғи	35
Сержантлар марши	36
Ўзбекистон посбонлари	38

Адабий-бадий нашр

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Аскар қўшиқлари

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Анатолий Бобров*

Бадий муҳаррир *Рустам Зуфаров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Дано Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Галина Отаскевич*

ИБ № 4387

Босишга 23.12.05 й. да рухсат этилди. Бичими 70×90^{1/32}.

Таймс гарнитураси. Офсет босма. 2,63 шартли босма

тобоқ. 3,5 нашр тобоғи. Жами 2000 нусха.

I-завод 500 нусха. 356 рақамли буюртма.

126—2005 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

700128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.

